



ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг таклифига биноан Япония Бош вазири Шиндзо Абэ 24 октябрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 25 октябрь куни бўлиб ўтди.

Кўксарой қароргоҳида Япония Бош вазирини расмий қутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Япония Бош вазир Шиндзо Абэ шохсупага кўтарилдилар. Давлат маҳиялари янгради. Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдида ўтдилар.

Ислоҳ Каримов ва Шиндзо Абэнинг тор доирадаги учрашувида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

– Ўзбекистон Японияга улкан сиёсий, иқтисодий, интеллектуал ва инвестицион салоҳиятга эга, тараққий этган давлатлардан бири, вақт синовидан ўтган ишончли шерик сифатида қарайди. Япония Бош вазирининг ушбу расмий ташрифини мамлакатимиз сиёсий-иқтисодий ҳаётида муҳим воқеа, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, унга янги суръат бағишлашга бирдай иштироки ифодаси, деб биламиз, – деди Ислоҳ Каримов.

– Ўзбекистондек ажойиб мамлакатга келганим, Сиз Жаноби Олийлари билан учрашиб турганимдан гоёт мамнунман. Япония билан Ўзбекистон ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилгани ва изчил ривожланиб келаётганида Сизнинг хизматларингиз беқиёс. Мамлакатимизда японлар билан боғлиқ тарихий ҳойлар хурмат-эътибор билан асраб-авайлаб келинаётгани учун Япония халқи номидан чуқур миннатдорлик билдираман. Ушбу учрашувимиз, ҳукумат аъзолари ва йирик компаниялар раҳбарлари иштирокида ўтадиган бизнес-форум мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги босқичга кўтарди, деб ишонаман, – деди Шиндзо Абэ.

Ўзбек ва япон халқларининг ўхшаш жиҳатлари кўп. Миллий гуруҳ, бирдамлик, меҳнатсеварлик, сўқоқат, меҳр-оқибат каби фазилатлар икки халқ учун бирдек ҳосидир.

Икки мамлакат иқтисодиёти жадал ривожланиб бормоқда. Бу ўзаро ҳамкорликни барча соҳаларда кенгайтириш учун шароит яратади. Ўзбекистон ва Япониянинг улкан иқтисодий имкониятлари – табиий бойликлари ва юқори технологиялари, илмий салоҳияти, молиявий ва меҳнат ресурслари бир-бирини тўлдирди.

Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги муносабатлар Президентимизнинг 2002 йил июль ойида Японияга расмий ташрифи чоғида имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида изчил ривожланиб бормоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил февраль ойидаги Японияга расмий ташрифи ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтарди.

Икки мамлакат парламентлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасидаги маслаҳатлашувлар мунтазамлик касб этган. Жорий йил февраль ойида Тошкентда навбатдаги маслаҳатлашув бўлиб ўтди.

Мамлакатларимиз халқаро ташкилотлар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Глобал ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар бўйича томонларнинг позициялари ўхшаш ёки яқиндир. Ўзбекистон Япониянинг мин-

тақавий ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, ядро қуролини тарқатмаслик, экологик муаммоларни бартараф этишга доир ташаббусларини қўллаб-қувватлайди, БМТ Хавфсизлик кенгаши доимий аъзолигига Япония номзодини ёқлайди. Япония Президентимизнинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш борасидаги ташаббусини қўллаб-қувватлаган, Ўзбекистоннинг ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойилларига асосланган ташқи сиёсатини юқори баҳолайди.

Томонлар "Марказий Осиё + Япония" мулоқот механизми доирасида ҳам кўп томонлама алоқаларни ривожлантирмоқда.

Музокарада сиёсий мулоқотларни изчил давом эттириш, савдо, саноат, молия, энергетика, фан-таълим, маданият каби соҳаларда ҳамкорликни янада кенгайтиришга келишиб олинди. Хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, халқаро таҳдид ва хавф-хатарларга қарши биргаликда курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон ҳам, Япония ҳам Афғонистон иқтисодиётини тиклашда фаол иштирок этмоқда. Афғонистонда ҳарбий куч ишлатиш йўли билан тинчлик ўрнатиб бўлмаслиги, БМТ шафелигидега қарама-қарши томонлар ўртасида сиёсий музокара ўтказиш ва ички келишувга эришиш энг тўғри ва ягона йўл эканлиги учрашувда яқдиллик билан таъкидланди.

Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари мулоқотни икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокарасида давом эттирдилар. Томонлар савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий-техникавий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзаро савдо айланимаси ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтиришга оид масалаларни муҳокама қилдилар.

Мамлакатларимиз ўртасида савдо-сотик соҳасида энг кўп қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш борасида ҳукуматлараро мажлислар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Япония ва Япония – Ўзбекистон қўмиталари эришилган келишувларни амалга ошириш, янги имкониятларни излаш ва қўшма лойиҳалар ишлаб чиқишда муҳим ўрин тутмоқда. Жорий йил январь ойида Токиода мазкур қўмиталарнинг қўшма ййилиши ўтказилди.

Муштарак интилишлар самарасида савдо айланимаси тобора кенгайиб бормоқда. 2014 йилда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми қарийб 190 миллион долларни ташкил этди. Ўзбекистонда Кунчиқар мамлакатнинг 12 компаниясининг ваколатхонаси очилган, япониялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган ўн корхона муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда.

Япониялик мутахассислар билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-каси мажмуаси ва "Қўқдумалек" қонида компрессор станциясини қуриш, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида реконструкция қилиш, Тошғузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўлини бунёд этиш, Самарқанд, Бухоро ва Ўрган халқаро аэропортларини модернизациялаш бўйича амалга оширилган йирик лойиҳалар улкан самаралар бермоқда. Бугунги кунда Қарши – Термиз темир йўл тармоғини электрлаштириш, Навоийдаги иссиқлик электр

станциясини кенгайтириш ва Толлимаржон иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш ишлари олиб борилмоқда.

Япония Ўзбекистоннинг энг йирик инвестициявий шерикларидан. 2009 йил 24 сентябрда кучга кирган Сармояларни либераллаштириш, ўзаро химоя қилиш ва рағбатлантириш тўғрисидаги ҳукуматлараро битим бу соҳадаги ҳамкорлик учун мустаҳкам қарорат ва кенг имконият яратмоқда. Япониянинг йирик компаниялари Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритмоқда. "Ўзавтосаноат" акциядорлик компанияси ва "Isuzu Motors Ltd." ўрта-сидаги ҳамкорлик бунга яққол мисол бўла олади. Япониянинг мазкур компанияси 2007 йилдан "СамАвто" масъулияти чекланган жамиятининг технологик шериги сифатида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автобуслар, юк машиналари ва бошқа техника турлари учун шасси ва двигателлар етказиб бермоқда. Ўтган вақт давомида "Isuzu Motors Ltd." агрегатлари базасида 10 минг икки юз автобус ва 11 минг беш юз юк машинаси ишлаб чиқарилди. Табиий газда ишлайдиган юк машиналарининг янги моделларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Жорий йил 29 июлда Тошкентда "Isuzu Motors Ltd." компаниясининг "СамАвто" масъулияти чекланган жамияти таъсисчилари таркибига кириши тўғрисида битим имзоланди. Мазкур битим "Ўзавтосаноат" ва "Isuzu Motors Ltd." компаниялари ўртасидаги узоқ муддатли ҳамкорликнинг мантиқий давоми бўлди.

Мамлакатимизда замонавий шаҳарсозлик жадал ривожланиб бормоқда. Бино ва инфратузилма объектиларини бунёд этишда илгор технологиялардан фойдаланиш, транспорт тизимини яхшилаш, хавфсизликни таъминлаш, одамлар учун ҳар томонлама қўлайлик яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ривожланган давлатлар, хусусан, Япония тажрибасидан унумли фойдаланилмоқда. 29 сентябрь куни пойтахтимизда бўлиб ўтган "Шаҳарнинг юқори технологик инфратузилмаси" мавзусидаги конференцияда мамлакатларимизнинг ушбу соҳадаги ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашда маданий-гуманитар алоқалар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Тараққийта расмий ёрдам дастури доирасида ҳамда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) орқали ижтимоий-иқтисодий ва маданий соҳаларда қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Японияда Ўзбекистон маданияти ва киноси кўнлари ташкил этилмоқда. Кунчиқар юрт ижодкорлари мамлакатимизда ўтказилаётган халқаро анжуманлар, хусусан, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида фаол қатнашиб келмоқда.

Пойтахтимизда Япон боғи ташкил этилгани, Токиода буюк шоир ва мутафаккир бобомиз Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатилгани, Ўзбекистон Бадий академияси ҳузуридаги халқаро маданият қарвонсаройига япониялик олим ва мусаввир Икуо Хираяма номи берилгани халқларимизнинг маданий яқинлиги ифодасидир.

Фан-таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам фаоллашмоқда. Ўзбекистон – Япония маркази кадрлар малакасини ошириш, "Ўзбекистон – Япония" ҳамда "Япония – Ўзбекистон" дўстлик жамиятлари халқларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Жорий йилдан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари уни-

верситетда япон тили биринчи хорижий тил сифатида ўқитила бошланди.

Япония оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти кенг ёритилмоқда. Мамлакатимизга келаётган япониялик сайёҳлар йилдан йилга кўпаймоқда.

Олий даражадаги мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда алоқаларни янада фаоллаштиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди. Фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солиш, ҳамкорлик салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш йўллари муҳокама қилинди.

Музокаралар якунида Президент Ислоҳ Каримов ва Бош вазир Шиндзо Абэ Ўзбекистон ва Япония ўртасида стратегик шерикликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш тўғрисидаги қўшма баёнотни имзолалар. Ташқи ишлар вазирликлари ва молия муассасалари ўртасида, энергетика, илм-фан, соғлиқни сақлаш соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланди. Энергетика ва транспорт тизимини модернизация қилиш, минерал-ҳомашё ресурсларини ўзлаштириш ва қайта ишлаш, автомобилсозлик, нефть-газ ва кимё саноати, телекоммуникация ва бошқа замонавий соҳаларда 8,5 миллиард доллардан ортиқ қийматдаги қўшма инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Ўзбекистон ва Япония раҳбарлари оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда музокаралар амалий ва ишчан руҳда ўтганини, эришилган келишувлар мамлакатларимиз ҳамкорлигини янги мазмун билан бойитганини таъкидладилар. Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича томонларнинг позиция ва қарашлари бир хил ёки яқин экани, мамлакатларимиз ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдорлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Япония Бош вазир Шиндзо Абэ мамлакатларимиз ишбилармон доираларининг бизнес-форуми очилишида иштирок этдилар.

Куннинг иккинчи ярмида Япония Бош вазир Шиндзо Абэ Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди. Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида бу ерда амалга оширилган кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юксак баҳо берди.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг қурилишида Иккинчи жаҳон уруши йилларида тақдир тақозоси билан юртимизга келиб қолган японияликлар ҳам иштирок этган. Президентимиз ташаббуси билан мазкур театр биноси яқинда реконструкция қилиниб, тўла таъмирланди. Ўзбекистон ва Япония Бош вазирлари янада чирой очган ушбу кошонанинг очилиш маросимида иштирок этди.

Шиндзо Абэ япон ҳарбийлари мангу кўним топан масканга ташриф буюрди, улар хотирасига бағишлаб бунёд этилган ёдгорлик пойига гул қўйди. Япония Бош вазир бу жой обод масканга айлантирилгани, ватандошларининг хотираси абадийлаштирилгани учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

Япония Бош вазир Шиндзо Абэнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида 25 октябрь куни Ўзбекистон ва Япония ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Форумнинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ва Япония Бош вазир Шиндзо Абэ иштирок этди.

Ислоҳ Каримов Япония Ўзбекистоннинг энг ишончли ҳамкорларидан эканини таъкидлади. Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини, мазкур бизнес-форум савдо-иқтисодий, сармоявий ва ижтимоий-маданий соҳалардаги алоқаларни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этишини қайд этди.

Шиндзо Абэ мамлакатларимиз ўртасидаги самарали ҳамкорликни юксак қадрлашни, ўзаро алоқаларни янада ривож-

лантириш тарафдори эканини алоҳида қайд этиб, Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ривожланаётганини таъкидлади.

Мамлакатимиз учун Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари билан алоқаларни кенгайтиришда Япония билан муносабатларни ривожлантириш муҳим ўрин тутди. Ўзбекистон ва Япония ўзаро ҳамкорликни янада тараққий эттиришда катта иқтисодий салоҳият ва имкониятларга эга. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар 2002 йилда имзоланган Дўстлик, стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги қўшма баёнот руҳида изчил ривожланмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Шу йил 25 октябрь куни реконструкция қилинган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг очилиш маросими бўлди.

САНЪАТ КОШОНАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

Маросимда Ўзбекистон Бош вазир Шавкат Мирзиёев ва Япония Бош вазир Шиндзо Абэ иштирок этдилар.

Президентимиз раҳнамолигида Ўзбек Миллий академик драма театри, Бухоро давлат мусиқали драма театри, Андижон мусиқали драма ва комедия театрининг биноси тўлиқ реконструкция қилинди. Фарғонада муҳташам театр-концерт саройи бунёд этилди. Наманган, Хоразм вилоятлари мусиқали драма ва комедия театрлари капитал таъмирланди.

Театр жамоаларида ижодкорларнинг янада самарали фаолият кўрсатиши учун зарур шароит ва имкониятларни муҳайё этиш-

га алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Юртимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказилаётган "Ёшлик баҳори", "Баҳор симфонияси", "Competizione dell'Opera" каби танлов ва фестиваллар, концертлар, ижодий лойиҳа-лар ёшларнинг санъатга бўлган меҳрини юксалтириш, миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг энг нодир намуналаридан баҳраманд бўлишида муҳим омили бўлмоқда.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрининг опера ва балет санъати ривожига, унинг ютуқларини



тарғиб этишга, халқимизнинг бой мусиқий меросини бойитишга қўшиб келаётган ҳис-саси юртимиз ҳамда дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилган.

Театр биноси 1947 йилда барпо этилган бўлиб, у миллий меъморлик санъатимизнинг гоё бетакрор ва гўзал намунаси, халқимизнинг бебаҳо маданий мулки саналади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН – ЯПОНИЯ БИЗНЕС-ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон – Япония иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантиришга оид битимлар каби кўплаб ҳужжатларга асосланади. Ўзбекистонда Япония сармояси иштирокида тузилган ўнга қўшма корхона, ушбу мамлакатнинг ўн икки компанияси ваколатхонаси фаолият кўрсатаётди. Улар транспорт, хизмат кўрсатиш, сайёҳлик, соғлиқни сақлаш, машинасозлик ва металл қайта ишлаш, енгил саноат, экспорт-импорт операцияларини ўтказиш, сармоявий лойиҳалар доирасида асбоб-ускуналар етказиб бериш каби йўналишларда иш олиб боради. Япония ҳукумати томонидан ишлаб чиқилган "Тараққиётга расмий ёрдам" дастури иқтисодий муносабатларда алоҳида ўрин тутди. Мазкур дастур доирасида Ўзбекистонга қиймати 140 миллиард иендан зиёд кредитлар тақдим этилди, 22 миллиард иендан ортиқ бегараз ёрдам кўрсатилди, умумий қиймати 13 миллиард иендан зиёд техник ҳамкорлик лойиҳалари амалга оширилди. 2014 йилда электр энергетикаси соҳасида Фаргона водийсида йирик иссиқлик электр станцияси қурилишини ўз ичига олган "Jupiter" лойиҳасини амалга оширишга қартилган ҳужжатларро битим имзоланди.

Мамлакатимизнинг улкан иқтисодий салоҳияти, замонавий транспорт коммуникациялари, қўлай сармоявий муҳит кўплаб давлатлар қатори Япония ишбилармон доираларининг ҳам ҳамкорликка қизиқишини оширмоқда.

Форумда Япония ишбилармонлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, соҳага сармоя киритишнинг истиқболлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш омиллари, нефть-газ ва кимё соҳаларидаги истиқболли лойиҳалар, "Навоий", "Жиззах" ва "Ангрен" индустриал зоналаридаги қўлайлик ва имтиёзлар тўғрисида маълумот берилди. Ўзбекистон ва Япония ишбилармонлари ҳамкорлигида турли соҳаларда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар,

уларнинг ижроси ва истиқболдаги режалар ҳақида сўз юритилди.

– Япония Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди, – деди Япония ташқи савдо ташкилоти (JETRO) раиси Хироюки Ишигэ. – Ўзбекистондаги қўлай сармоявий муҳит ва юксак иқтисодий имкониятлар ўзаро савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларимизнинг равақ топишида муҳим омил бўлмоқда.

Бизнес-форумда савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни, энергетика, банк-молия, ахборот технологиялари, транспорт ва коммуникациялар, соғлиқни сақлаш, сайёҳлик, озиқ-овқат, енгил саноат, фан-таълим соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар атрофича муҳокама қилинди. Кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини оширишдаги ҳамкорлик масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Анжуманда Япониянинг йирик компанияларидан икки юздан зиёд вакил иштирок этгани ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши нақадар катта эканидан далолатдир. "Isuzu Motors", "Nippon Export and Investment Insurance", "Dai Nippon Construction", "Shimizu", "Chiyoda", "Mitsubishi", "Marubeni", "Toyota Tsushyo", "Itochu", "Fujifilm", "Sakura Global Holding" каби компаниялар вакиллари Ўзбекистон бозоридagi ўз фаолиятини йўлга қўйиш ва мавжуд ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ниятида эканини қайд этди.

Бизнес-форум якунида энергетика, нефть-газ, кимё, геология, банк-молия, тиббиёт, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги, автотомобилсозлик каби кўплаб соҳалардаги ҳамкорликка оид қатор ҳужжатлар имзоланди.

Форум доирасида Япония компаниялари фаолиятига бағишланган ҳамда мамлакатларимиз ўртасида иқтисодий соҳада амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар акс этган кўргазма ташкил этилди.

Ноидра МАНЗУРОВА,
Ўза мухбири



Ўза олган суратлар

САНЪАТ КОШОНАСИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ҚИЁФАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз ташаббуси билан театр биносида, унга туташ ҳудудда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва обodonлаштириш ишлари самарасида мазкур санъат кошоноси янги қўрғини ва тароват касб этди. Театр биносининг иситиш, совутиш, ҳаво муътадиллигини сақлаш, муҳандислик-коммуникация тизими тўлиқ янгилади. Реконструкция ишларини амалга оширишда моҳир наққош, мусаввир ва усталар яратган ижод намуналарини, деворий суратлар, бетакор композицияларни асл ҳолича сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тошоша залига қадм қўйган кишининг деворларда сайқал топган тилларанг нақшлардан кўзи қамашади. 736 тошоша-бинга мўлжалланган залда ўриндиқлар шу тарзда ўрнатилганки, унинг исталган бурчагидан спектаклни бемалол томоша қилиш имконияти мавжуд. Залдаги визуал, акустик эффектлар, энг замонавий ёритиш ва овоз ускуналари сахнадаги ижоддан тўла баҳра олиш имконини беради. Улкан қандил залга фусункор тус берса, ён-атрофдаги митти ёриткичларнинг шуъласи янада шинамлик ва кўрк бағишлайди.

Янгиланган сахнанинг қўйи қисмида оркестр учун мўлжалланган махсус жой замонавий техник ускуналар ёрдамида кўтарилиб, сахна билан баробар ҳолатда келиши концерт дастурларида, мусиқий тақдирларда ижрочилар ва томошабинлар учун қўлайлик яратди.

Реконструкция ишлари жараёнида машғул ва релетция заллари, гримхоналар билан бирга сахна ортидаги рассом-декораторлар, бутфори усталари, гримчилар, муҳандислар, овоз режиссёрлари ва радиостар, техник-коммуникация мутахассислари, режиссёрлар, театр либрослари дизайнерлари, тикув чехлари чеварлари, сахна машиналари ва қурувчилари, афиша дизайнерлари – барча-барча ходимларнинг са-

марали меҳнат қилиши учун зарур шароитлар яратилган.

Истиқлол йилларида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри жаҳоннинг етакчи мамлакатлари ижодий жамоалари билан ҳамкорликни ривожлантирди. АҚШ, Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, Венесуэла каби давлатларнинг режиссёр ва хореографлари билан биргаликда кўплаб сахна асарлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

Жамоанинг япониялик ижодкорлар билан ҳамкорлиги алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзбекистон опера ва балет усталарининг ижроси япон томошабинлари томонидан илиқ қутиб олинган. Театр сахнасида "Оқуш қўли", "Севильялик сарторош" каби спектакллар япон санъаткорлари билан биргаликда ижро этилган. Қўнқар мамлакатнинг "Тойота сити балет" труппаси юртимизда бўлиб, энг сара спектакллари томошабинларга тақдим этгани санъат муҳлисларига яхши маълум.

Чорлов мусиқиси янграб, театрнинг очиқлиги бағишланган тантанали бадий-мусиқий дастур бошланади. Алишер Навоий газали билан қўйланувчи қўшиқлар дилларга ором бағишлайди. Ўзбек ва жаҳон муомтоз композиторлари опера ва балетларидан парчалар ижро этилади.

Президентимиз раҳнамолигида театр санъатига кўрсатилган тантанали бадий-мусиқий дастур бошланади. Алишер Навоий газали билан қўйланувчи қўшиқлар дилларга ором бағишлайди. Ўзбек ва жаҳон муомтоз композиторлари опера ва балетларидан парчалар ижро этилади.

Назokat УСМОНОВА,
Ўза мухбири

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ҲАМКОРЛИКДАН МАНФААТДОРМИЗ

Президентимиз Ислам Каримовнинг фармоишига мувофиқ жорий йил 5-6 ноябрь кунлари пойтахтимизда Халқаро инвестициявий форум бўлиб ўтади. Унда халқаро молия ташкилотлари, йирик хорижий компания ва концернлар раҳбарлари, инвесторлар ва экспертлар иштирок этиши кутилмоқда.

Ўза мухбирлари халқаро форумда қатнашадиган хорижий ишбилармонлар билан интернет орқали боғланиб, уларнинг мамлакатимиз тараққиёти, мазкур нуфузли анжуман ҳақидаги фикрлари билан қизикди.

Ким Юн СУК, "Шиндонг Энерком" компанияси президенти, "Корея Республикаси – Ўзбекистон" дўстлик ассоциацияси раиси (Жанубий Корея):

– Ўзбекистонда ўз бизнесимизни 1991 йилда йўлга қўйганимиз. Мамлакатимиздаги иқтисодий ривожланиш босқичларига бевоусита ғувоҳимиз. Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов раҳнамолигида эркин бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш борасида ғоят оқилона сиёсат юритилди. Иқтисодиётнинг ислох қилишнинг мураккаб ўтиш даврида аҳолини ишончли ҳимоя қилишнинг самарали механизми амалга оширилди. Мамлакатимиздаги барқарор сиёсат туфайли юксак иқтисодий кўрсаткичларга эришилди. Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти ғоят тез ва барқарор ривожланимоқда. Шу боис хорижий инвесторларнинг мамлакатимизга сармоя киритишга қизиқиши катта. Зотан, Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга оид халқаро ижтимоий ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Ўзбекистондаги бизнесимиз кенг қамровли ва ғоят самаралидир. У пахтадан қайта ишлашдан тортиб, сув қувурлари тармоқларини барпо этиш ҳамда тўқимачилик ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида ҳамкорлик қилиш каби қатор йўналишларни ўз ичига олади. Биз, шунингдек, "Ангрен" махсус индустриал зонаси ҳудудида кремний ишлаб чиқарувчи завод қуриш орқали Ўзбекистон билан қўш энергетикаси соҳасида истиқболли ҳамкорликни йўлга қўйдик. Келажда ушбу махсуслот қувиш электр станциялари учун юқори самарали фотоэлектр қувиш панеллари, иссиқлик тежчик ва машииний махсусларга мўлжалланган қурилмалар ишлаб чиқариш учун ҳамма манбаи бўлиб хизмат қилади.

Тошкентда ўтадиган Халқаро инвестициявий форумда Жанубий Кореянинг ўттиздан ортиқ йирик компаниялари раҳбар ва вакиллари қатнашиш, Ўзбекистон иқтисодиётига сармоя киритиш истагини билдирган. Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтириш имконига эга бўлаётганимиздан ғоят мамнунимиз. Мамлакатимизда қатор истиқболли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш бўйича биргаликдаги ишларни давом эттирамиз. Ўзбекистоннинг юксак суръатлар билан ривожланаётган иқтисодиётида ўз ўрнини эга бўлишни истаймиз.

Кристофер ЭНДРЮ, "AgriMarkets International" компанияси раиси (АҚШ):

– Халқаро инвестициявий форумда иштирок этиш имкони тугилгандан жуда хурсандман. Компаниямиз қишлоқ хўжалиги махсуслотларини қайта ишлаш соҳасида катта тажрибага эга. Асосан соя мойини тайёрлаш, сут ва нон махсуслотлари ишлаб чиқариш, паррандачилик, балкичилик каби соҳаларда техник қўмак кўрсатиш билан шуғулланамиз. Ўзбекистон билан айнан шу йўналишларда сармоявий ҳамкорликни янада кенгайтириш ниятидамыз.

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, бу борада самарали қўшма лойиҳаларни амалга ошириш учун қўлай сармоявий муҳит ва имкониятлар яратилган. Ўзбекистоннинг иқтисодиёт соҳасидаги, хусусан, бизнес юритиш ва сармоя киритиш йўналишларида оид амалдаги ҳуқуқий базаси билан яқиндан танишиш ниятидамыз.

Сайёҳлик соҳасига ҳам қизиқишимиз катта. Зеро, кўплаб соҳаларда бўлгани каби туризмнинг ҳам қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат саноатида боғлиқ жиҳатлари жуда кўп. Хива, Бухоро, Самарқанд, Шаҳрисабз ва бошқа тарихий шаҳарлар кўрқу таровати, бетакор тарихий обидалари, маданий бойликлари билан унутилмас таассурот қолдиради.

Ноидра МАНЗУРОВА,
Ирода УМАРОВА
ёзиб олди.

Касаба уюшмалари фаолиятдан

КЕКСАЛАРИ ЭЪЗОЗЛАНГАН ЮРТ

Халқимизда қадим-қадимдан кексаларни эъзозлаш, уларга яхши кайфият бағишлаш, байрамлар муносабати билан табриклаш миллий қадриятларимиздан ҳисобланади.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши томонидан Республика "Нуроний" ҳам-фармаси Тошкент шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда 80 нафар нуроний отахон-онахонлардан иборат фахрийларнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг "Касаба сайр" шўъба корхонаси орқали қадимий ва навақирон Самарқанд шаҳрига замонавий, барча қўлайликларга эга бўлган "Афросиёб" теъзорар поёзидида саёхати ташкил этилди.

Пойтахтдан гўзал Самарқанд шаҳрига келган нуронийлар шаҳар ҳокимлиги, жамоат ташкилотлари вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳамда санъаткорлар иштирокида шарқона меҳмондўстлик билан қарнай-сурнай садолари остида байрамона руҳда қутиб олинди. Жаҳон ахлининг доимо эътиборида бўлган, мустақиллик шарофати билан янада кўркамлашиб, чиройлига чирой қўшилган бу улғувор шаҳардаги муҳташам, кўхна тарихий меъморий обидалар билан яқиндан танишиш, уларни зиёрат қилиш

ҳамда самимий меҳмондўстлик саёхатчиларда унутилмас таассурот қолдириб, бир олам қувонч бағишлади.

Нуроний отахонлар, мунис онахонлар кўрсатилган чуккур ҳурмат-эътибор учун Самарқандга саёхатни ташкил этган Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси Кенгаши раҳбариятидан беҳад мамнун эканликларини изҳор этдилар.

Ҳабибулла ЁРМАТОВ,
Республика "Нуроний"
жамғармаси
Тошкент шаҳар Кенгаши
раисининг ўринбосари

МАҲАЛЛАДА ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти доирасида "ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро хайрия жамоат фонди томонидан яна бир хайрли тадбир ўтказилди.

"Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларида яшовчи 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз қариялар ва ногиронларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш" лойиҳасининг "Кексаларни эъзозлаш" – ҳар биримизнинг бурчимиз" мавзусида ўтказилган хайрия тадбири Чилонзор туманининг "Кўтарма" маҳалласида Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бosh бoshқармаси, Чилонзор туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда ўтказилди ва унда маҳалла фаоллари, 1941-1945 йиллардаги уруш иштирокчилари, меҳнат фахрийлари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг "2015 йил – Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастури доирасида мамлакатимизда ҳамда туман миқёсида олиб борилаётган ишлар ҳақида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Сардор Кабиров, "Кўтарма" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Раҳимжон Солиев, Чилонзор туман бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази бўлим бошлиғи Эльвира Мустафиза сўзлаб бердилар.

Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Жамоат фондининг мазкур лойиҳаси ижроси бўйича амалга оширилаётган фаолият ҳақида "ЭКОСАН" фонди бўлим бошлиғи – мазкур лойиҳа координатори Собиржон Абдуллаев ахборот берди, мазкур

тадбирга таклиф қилинган 30 нафар 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари хайрия ёрдами сифатида, жами 1,7 млн. сўмлик кўрпа-тўшак филофлари ва гигиена воситаларини тақдим этди.

Учрашувида, меҳнат фахрийси Сайёра Саъдий рағбатлантирилганлар номидан ташкилотчиларга ташаккур айтиди.

Ушбу мақсадда хонадонларга ташриф буюрилганда, 83 ёшли олимпиа, қишлоқ хўжалиги соҳасида кўп йиллар хизмат қилган Нина Сенякованинг раҳмат сўзлари янгради. Айниқса, 92 ёшли 1941-1945 йиллардаги уруш иштирокчиси Консантин Патилицин хонадонига ташриф буюрилганда, у урушдаги қаҳрамонлиги учун берилган орден-медаллари ҳамда меҳнатдаги мукофотларини кўз-кўз қилиб, у урушдан кейин – 1947 йилда Ўзбекистонга қўчиб келгани ва ўрта мактабни тугаллаб, халқ хўжалигининг кўп соҳаларида меҳнат қилгани, айниқса, Тошкент метро-сити қурилишидаги самарали меҳнати юқори баҳолангани ҳақида мароқланиб сўзлаб берди ва бугунги эътибор учун ташаккурини изҳор қилди. Мазкур лойиҳа доирасида яна бир қатор учрашувлар ўтказилиши режалаштирилган.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
"ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Термизда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ҳамда Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори билан ҳамкорликда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очиклигини таъминлаш ҳамда уларнинг устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситалари ролини ошириш масаласига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.

• Жиззах вилояти Фаллаорол тумани Абдукарим қишлоғидаги 87-умумтаълим мактабининг 160 ўринли ўқув биноси реконструкциядан чиқарилди, янги спорт зали фойдаланишга топширилди. Икки қаватли замонавий мактаб биносини реконструкция қилишда "Хумоюнмирзо-Зафар" масъулиятли чекланган жамияти бунёдкорлари 926 миллион сўмликдан зиёд қурилиш ишларини бажарди.

• Тошкентдаги Ёшлар ижод саройида "Қуйла, ёшлигим" телевизион танловининг финал босқичи бўлиб ўтди. Ёшлар маданият ва санъат маркази томонидан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танловдан кўзланган мақсад, мусиқа санъатига ихлосманд истеъдодли ёшларни кашф этиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

• Жорий йилнинг 4-6 ноябрь кунлари Буюк Британиянинг Уильям Шекспир номидаги "Глобус" театри жамоаси Ўзбекистонда ижодий ташриф билан бўлади. Тадбирлар доирасида Ўзбек Миллий академик драма театрида "Шекспир асарлари Ўзбекистонда!" деб номланган кўргазма ташкил этилиши, театр санъатида янги лойиҳалар халқаро форуми ўтказилиши кўзда тутилган. Шунингдек, "Глобус" театри жамоаси "Гамлет" спектаклини намойиш этади.

ЖАҲОНДА

• Америкалик энтомолог олим бундан саккиз йил муқаддам Нью-Мексика штатида ўзи томонидан топилган янги турдаги капалакка ном бериш ҳуқуқини eBay онлайн аукционига қўйди. Бир неча кун ичида ушбу лотнинг қиймати дастлабки беш юз долларлик нархдан ўн икки минг долларгача кўтарилди.

• Испаниядаги фақат валютага савдо қилинадиган Duty free дўконлар тармоғи Европадаги шу турдаги энг арзон савдо нуқталари сифатида эътироф этилди.

• 1943-1945 йилларда Германияда ишлаб чиқарилган ва ҳарбий-денгиз флотида фойдаланилган шифр узатувчи анжом Нью-Йоркда бўлиб ўтган кимошди савдоларида 365 минг долларга сотилди.

Спорт янгиликлари

ПОЛВОНЛАРИМИЗНИНГ ФРАНЦИЯДАГИ ЮТУҚЛАРИ

Франция пойтахти Парижда дзюдо бўйича ташкил этилган навбатдаги халқаро Гран-при мусобақасида ҳамюртимиз Шаҳзод Собиров барча рақибларини мағлуб этиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Маълумки, пойтахтимизда октябрь ойининг илк кунларида дзюдо бўйича халқаро Гран-при мусобақаси учинчи бор аъло даражада ўтган эди. Париждаги турнир ҳам амалда дунёнинг дзюдо спортни ривожланган ўнта мамлакатидан йил давомида бўлиб ўтадиган серияли Гран-при мусобақаларининг давомидир.

Дунёнинг 50 дан зиёд давлати вакиллари ташиф буюрган бу сафарда Гран-прида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари биттадан олтин ва

бронза медалларини қўлга киритишди.

Айниқса, мазкур мусобақанинг иккинчи кун терма жамоамиз учун омадли ўтди. 81 килограммгача вазнда татамига чиққан Шаҳзод Собиров чемпионлик йўлида дастлаб чехиялик Яромир Мусил, кейин венгриялик Шаболш Кризан, голландиялик Франк де Вит, ярим финалда мўғилистонлик Уганбатор Отгонбатор, финалда эса тажрибали россиялик Сергей Рябовни мағлуб этди. Шу тариқа полво-

нимиз турнир ғолиблиги ҳамда 500 рейтинг очкосига эга бўлди.

Тошкентдаги баҳсларда кумуш медалга сазовор бўлган иктидорли дзюдочимиз Шарофиддин Лутфуллаевга (-60 кг.) бу гал бронза медалга қадар Шарофиддин дунё рейтингининг кучли беш спортчиси қаторида бораётган эди. Энди эса ҳар икки спортчимизнинг ҳам рейтингдаги ўринлари янада юқорига кўтарилиши кутилмоқда.

Пойтахтимиздаги "The Bowler" спорт клубида ташкиллаштирилган боулинг бўйича Ўзбекистон Олий лигасининг саккизинчи тур баҳслари ҳамшаҳримиз Лазиз Болтаев учун омадли яқунланди.

МУСОБАҚА ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Бундан аввалги учта турни ўтказиб юборган Лазиз Болтаев мусобақани ишончи ғалаба билан бошлади. Турнир давомида ўзининг аниқ ҳаракатлари билан юксак маҳоратини намойиш этган Лазиз барча рақобатчиларни ортда қолдиришга муваффақ бўлди.

Таъкидлаш жоизки, қимматли рейтинг очколарини тақдим этувчи ушбу мусобақада Тошкент шаҳри вакиллари

анчайин фаол иштирок этишди. Уларнинг диққат билан нишонга йўллаган шарлари кўп ҳолларда мўлжалга аниқ бориб тегди.

Чиройли ўйини билан муҳлислар олқишига сазовор бўлган яна бир боулингчи Бекзод Тўрабоев иккинчи поғонадан жой олган бўлса, саралаш ғолиби ва ўтган йилги чемпион — Шаҳобиддин Юсупов бу гал учинчи ўрин билан кифояланди.



ЎЗА олган сурат

Бутунжаҳон кураш бирлашмаси ҳар бир вазнда жаҳоннинг энг кучли йигирма нафар полвонларининг рейтингини эълон қилди. Унга кўра, тўрт нафар ўзбекистонлик спортчилар ўз вазилари бўйича дунёнинг кучли саккиз нафар курашчиси қаторидан жой олди.

ВАКИЛЛАРИМИЗ
ЖАҲОН
РЕЙТИНГИДА
ИККИНЧИ

Кувонарлиси, юнон-рум ҳамда эркин кураш бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Рустам Аскалов ва Ихтиёр Наврўзов Америка Қўшма Штатларининг Лас-Вегас шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон чемпионати баҳсларидаги бир қатор ғалабалари эвазига ҳозирда дунёнинг иккинчи рақамли курашчиси бўлиб туришибди. Дунё биринчилигидаги кумуш медаллар Рустам ҳамда Ихтиёрга муҳим рейтинг очколарини тақдим этди.

Шунингдек, ҳамюртларимиздан ўз вазн тоифаларига кўра Элмурат Тасмуродов ва Бекзод Абдурахмоновлар рўйхатнинг саккизинчи, Рашид Қурбонов эса тўққизинчи поғонадан жой олган.

ХУРШИД ТОЖИБОВ:

“ОЛИМПИАДАДА МУНОСИБ
ИШТИРОК ЭТАМАН”

Аввал хабар берилганидек, Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, тажрибали спортчимиз Хуршид Тожиев АИВанинг АРВ йўналишидаги турнирида барча рақибларини енгиб, чемпионлик камарига ва 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритди.

Боксчимизнинг бундай улкан ғалабаларни қўлга киритишида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги “Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида”-ги Қарори муҳим дастуруламал вазифасини ўтамоқда.

Хуршид Тожиев 1989 йили Жиззах вилоятининг Пахтакор туманида туғилган. Оиладаги соғлом турмуш тарзи, спортга бўлган юксак муҳаббат уни ўн бир ёшида бокс тўрагагига етаклади ва ўша йилдан буён мураббий Баҳодир Мирзақулов қўл остида мунтазам шугулланиб келмоқда.

Хуршид табиатида машғулотларнинг илк кунлариданоқ ўзига хос интилиш борлигини сезганман, — дейди Б.Мирзақулов. — У ҳар бир машқни тўла ўзлаштирмагунча тиниб-тинчимасди, уларни бехато бажаришга ҳаракат қиларди. Бунинг натижасини йиллар ўтиб, ҳаммамиз кўриб турибмиз.

Хуршид Тожиев 2006 йили ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. Шундан сўнг ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатларида ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. 2008 йили Хитой-

да ўтган XXIX ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этди.

2010 йили Гуанчжоуда ўтказилган Осиё ўйинларининг бокс баҳсларида 60 килограмм вазн тоифасида рингга чиққан Хуршид Тожиев Шарқий Тимор вакили Энрике Боргес, камбоджалик Софат Фал ва эронлик Форутан Голорани мағлубиятга учратиб, бронза медал билан тақдирланди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, Хуршид Тожиев жорий йилда АИВанинг АРВ йўналишида муносиб иштирок этди.

АРВ — АИВанинг яримпрофессионал боксчилар йўналиши бўлиб, мазкур йўналишдаги мусобақалар боксчиларга Олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқини беради. Унда ҳар бир вазн тоифасида саккизтадан боксчи ўзаро тўртта бахсда қатнашади ва уларнинг энг кучли икки нафари чемпионлик унвони учун рингга чиқади.

Пойтахтимиздаги мухташам “Ўзбекистон” спорт мажмуасида мамлакатимиз бокс федерацияси ҳамда Халқаро ҳаваскор боксчилар уюшмаси — АИВА томонидан ташкил этилган бокс кечасининг вазни 60 килограммгача бўлган чарм қўлқоп усталари ўртасидаги беллашувларнинг

“NEW TRANS ALLIANCE” МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ БОСКИЧМА-БОСКИЧ ОШИБ БОРИШ ТАРТИБИДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

2015 йил 26 ноябрь кун соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларида қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: Бекобод шаҳар СИБ томонидан: 1. № 8337-сонли ижро ҳужжатида асосан 1988 й. и.ч. “BA3-21063” д.р. 10 H630CA. Бошланғич баҳоси — 4 985 00 сўм. 2. № 8619-сонли ижро ҳужжатида асосан “Нексия” д.р. 10 G853LA. Бошланғич баҳоси—29 678 000 сўм. 3. № 8590-сонли ижро ҳужжатида асосан 1990 й. и.ч. “ИЖ-21251” д.р. 10 H670GA. Бошланғич баҳоси — 4 000 000 сўм. 4. № 8618-сонли ижро ҳужжатида асосан 2009 й. и.ч. “Газ-3102” д.р. 10 J709FA. Бошланғич баҳоси — 10 554 000 сўм. 5. № 7284-сонли ижро ҳужжатида асосан 2003 й. и.ч. “Дамас” д.р. 10 O387EA. Бошланғич баҳоси — 9 051 000 сўм.

2015 йил 12 ноябрь кун соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари тақдир қилинмоқда: Қибрай тумани, СИБ томонидан: 1. № 2454-сонли ижро ҳужжатида асосан 2005 й. и.ч. “DAEWOO-KALOS” д.р. 11S 2489. Бошланғич баҳоси — 24 041 180 сўм. 2. № 11223-сонли ижро ҳужжатида асосан 1989 й. и.ч. “Камаз-5320” д.р. N088NUM. Бошланғич баҳоси — 12 614 284 сўм. 3. № 1324-сонли ижро ҳужжатида асосан 2008 й. и.ч. “Эпики” д.р. 01 P405BA. Бошлан-

ғич баҳоси — 44 705 925 сўм. 4. № 32021-сонли ижро ҳужжатида асосан 1988 й. и.ч. “BA3-2106” д.р. 01X195MA. Бошланғич баҳоси — 7 293 645 сўм. 5. № 12426-сонли ижро ҳужжатида асосан 1986 й. и.ч. “Москвич-412” д.р. 10 T 410AA. Бошланғич баҳоси — 2 021 444 сўм. 6. № 5782-сонли ижро ҳужжатида асосан 1993 й. и.ч. “Доган” д.р. 01K336EA. Бошланғич баҳоси — 1 616 613 сўм. 7. № 7160-сонли ижро ҳужжатида асосан 1972 й. и.ч. “ГАЗ-24” д.р. 01V920GA. Бошланғич баҳоси — 1 802 088 сўм. 8. № 7172-сонли ижро ҳужжатида асосан 2012 й. и.ч. “Спарк” д.р. 01O210LA. Бошланғич баҳоси — 26 242 801 сўм. 9. № 18898-сонли ижро ҳужжатида асосан 1986 й. и.ч. “BA3-21063” д.р. 01E073EA. Бошланғич баҳоси — 3 234 281 сўм. 10. № 30033-сонли ижро ҳужжатида асосан 2010 й. и.ч. “Нексия” д.р. 01U521HA. Бошланғич баҳоси — 22 764 083 сўм. 11. № 19446-сонли ижро ҳужжатида асосан 2008 й. и.ч. “Матиз” д.р. 01L866CA. Бошланғич баҳоси — 13 743 675 сўм. 12. № 4019-сонли ижро ҳужжатида асосан 2008 й. и.ч. “Ласетти” д.р. 01G160OA. Бошланғич баҳоси — 31 004 884 сўм. 13. № 9550-сонли ижро ҳужжатида асосан 2007 й. и.ч. “Дамас” д.р. 10A210BA. Бошланғич баҳоси — 18 132 738 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри,

Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилда бўлиб ўтади.

Юқоридаги автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кун (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш кун қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истидаги бўлган талабгорлар автотранспорт воситасида бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — “New Trans Alliance” МЧЖнинг “ASIA ALLIANCE BANK” АТБ Мирзо Улугбек тумани филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9048 8730 5001, МФО: 01103, СТИР: 301 829 604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси қийматини 5 банк кун мобайнида тўлашига тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Дарвозакент 2-берк кўчаси, 16-уй. Телефон: (97) 325-07-13.

Гувоҳнома № 004593

Доно халқимиз “Олов тилсиз ёв” деб бежиз айтмайди. Оловдан нотўғри фойдаланиш жиддий оқибатларга олиб келиши барчага яхши маълум.

“101”

ҲУШЁР ВА ОГОҲ БЎЛАЙЛИК

Хонадонларда юз берган фалокатлар болаларни назоратсиз қолдириш, носоз электр симларини ишлатиш, газдан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик оқибатида келиб чиқмоқда.

Хадемай қиш фасли ҳам кирай келади. Янги йил байрами яқинлашгани сари кўча-кўйда пиротехника воситаларининг овози эшитилиш бошлайди. Барчага маълумки, пиротехника воситаларини мамлакатимизга олиб кириш ва сотиш тақиқланган. Пақилдоқларнинг зарари кўпчиликка маълум. Айниқса, кекса кишилар ҳамда беморларга ёмон таъсир қилади. Биз катталар

болаларимизга берган пулни нимага сарф қилаётганларини назорат этсак, оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини яхшиласак, анчагина кўнгилсиз ва бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олган бўлаемиз.

Шу ўринда мактаб жамоаси, маҳалла фаоллари, кўча бошилар, ота-оналар ҳушёр бўлиб, болаларнинг пиротехника воситаларини ўйнашларига йўл қўймаслиги даркор. Зеро, соғлом авлоднинг тинч ва осойишта ҳаёт кечириши барчамизга боник.

Маҳмадхон МАНСУРОВ, 13-Харбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги алоҳида пости смена бошлиғи, капитан

ОЗИҚ-ОВҚАТ
ХАВФСИЗЛИГИ ВА
ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Давлат санитария-эпидемиология назорати марказида озиқ-овқат хавфсизлиги масалаларига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар ҳамда Аграр ва сув ҳўжалиги масалалари қўмиталари томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда вазирликлар, қўмиталар, давлат ва нодавлат ташкилотлари, саноат корхоналари вакиллари, олимлар, экспертлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси Е.Умаров, соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Л.Тўйчиев, Озиқ-овқат саноати корхоналари уюшмаси раиси ўринбосари А.Қамбаров ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ишчилар ҳаётида озиқ-овқат саноатини ривожлантириш, халқимиз дастурхонини юртимизда етиштирилган сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, оилаларда соғлом овқатланиш тамойилларини тарғиб этишга қаратилган доимий эътибор аҳоли саломатлигини асраш ва турмуш фаровонлигини оширишда муҳим омили бўлаётганини таъкидлади.

Бугунги глобаллашув даврида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш билан бирга, унинг хавфсизлигини таъминлаш ҳам долзарб аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда мазкур йўналишдаги чора-тадбирларни ҳаётга илчил таътибқ этишнинг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилгани инсон манфаатларини муҳофаза қилишда муҳим омили бўлмоқда. Хусусан, 1997 йил 30 августда қабул қилинган “Озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган вазифалар ўз вақтида ижро этилиши муҳим самаралар бераётди.

Мамлакатимизда озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноати жадал ривожланмоқда. Мустақиллик йилларида ушбу тармоқ корхоналари ўн баробарга кўпайди. Аграр саноати модернизациялаш бўйича амалга оширилган илчил тадбирлар натижасида қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ошиб бораётди. Хусусан, жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,6 карра, картошка 1,7 баробар, сабзавотлар 2 мартадан зиёд, мевалар қарийб 4 баробар ортди.

Аҳолини йил давомида мева-сабзавотлар билан узлуксиз таъминлаш мақсадига замонавий андозалар асосида иссиқхоналар ташкил этиш, боғлар, тоқзорлар майдонини кенгайтириш, етиштирилган ҳосилни куз-қиш даврида сифатли сақлаш имконини берадиган омборхоналар барпо этишга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Ушбу амалий ишлар билан бирга, аҳоли орасида соғлом овқатланиш тамойилларини тарғиб этиш ҳам тизимли равишда олиб борилаётди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 25 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланиши соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилаётди.

Тадбирда мамлакатимизда озиқ-овқат ишлаб чиқаришни ривожлантириш, хавфсизлигини таъминлаш, аҳоли орасида овқатланиш маданиятини тарғиб этиш-туриштириш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳусусида маърузалар тингилди ва бу борадаги қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

“Ўзбекэнерго” ДАКнинг “Тошкент ҳудудий электр тармоқлари” АЖ бош директори ўринбосари лавозимига фуқароларни ишга қабул қилади.

Уларга қуйидаги талаблар қўйилади: Маълумоти — олий энергетика ёки техника маълумотига эга бўлган, ёши 35 дан 45 ёшгача бўлган, Тошкент шаҳри ёки Тошкент вилоятида доимий рўйхатда турувчи Ўзбекистон Республикаси фуқароси.

Ишга қабул қилиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. “Тошкент ХЭТК” АЖ ходимлар бўлимига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчаси (меҳнат дафтарчаси бўлмаган тақдирда жамият томонидан юритилади);
5. Қадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
6. Яшаш манзилидан маълумотнома;
7. Охириги иш ёки ўқиш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома;
8. 3x4 шаклдаги 8 дан расм;

Ишга киришни ҳолатидаги фуқаролар “Тошкент ХЭТК” АЖга мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осиё кўчаси, 42-уй. Телефон: 150-27-94.

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 26 октябр кун ҳаво ўзабир туради, ёнғингарчилик бўлмайд. Шарқдан секундида 3-8 метр тезликда шомол эсади. Ҳарорат кечаси — 4-6,

кундузи 20-22 даража шик бўлади. Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотида кўра, 26 октябрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

(Газетанинг навбатдаги сони 28 октябрда чиқади.)

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Манзил: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32



Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1055

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
факс (371) 233-29-55

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
6325 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Топириш вақти: 13.00

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамитига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Корхона
манзили: Буюк Тўрон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Босишга топширилди: 15.00